

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июльдан чиқа бошлаган. + № 167 (6. 058) + 1986 йил 22 июль, сешанба + Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси махсус мажлисида ҳукумат комиссиясининг 1986 йил 26 апрель куни Чернобил АЭСида юз берган авария сабабларини текшириш натижалари, бу авария оқибатларини тугатиш ҳамда атом энергетикаси хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисидаги докладни муҳокама қилди.

Авария ана шу электр станцияси ходимлари реактор қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бир неча бор қўпол бузганликлари сабабли юз берганлиги аниқланди. Тўртинчи энергия блокида уни тунги вақтда планли ремонтга ўтказиш чоғида турбогенераторлар иш режимларини таъқиб этиш билан боғлиқ экспериментлар ўтказилган. Бунда АЭС раҳбарлари ва ходимлари бу экспериментга ўзлари тайёргарлик қўмаганлар, аксари мент ўтказишни тегишли таъкилотлар билан келишиб олишга мажбур бўсалар ҳам, бундай қилмаганлар. Ниҳоят ишларни амалга ошириш чоғида зарур контрол таъминланмаган ҳамда тегишли хавфсизлик чоралари қўрилмади.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министри Майсоев Чернобил АЭСига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликларни учун ишдан олинишга лойиқ эканлигини таъкидлади. Лекин Сиёсий бюро унинг ана шу лавозимга таъинланганига ҳақиқат вақт бўлмаганлигини ҳисобга олиб, унга қаттиқ партиявий назорат берди, юз берган воқеадан тегишли хулоса чиқариб олмади, қаттиқроқ жазага тортилиши ҳақида оғохландирди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комитети, Украина Компартияси Марказий Комитети, Москва шаҳар партия комитети бошқа ходимларнинг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Мажлисда таъкидландики, авария оқибатларини бартараф этиш юзасидан катта ва дадил тадбирларнинг амалга оширилиши электростанцияда ва унинг атрофидаги жойларда вазиятни қисқа муддатда тубдан ўзгариштиришга имконий бериши. Чернобил АЭС хавфли зонасидан қўчирилган аҳоли учун уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қуриломоқда, аҳолига етказилган моддий зарар тўланмоқда. Кишиларни иш билан таъминлаш юзасидан зарур чора қўрилмоқда.

Зарарланган реакторнинг ҳолати ишончли тарзда контрол қилинмоқда ва ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Авария бўлган энергетика блокининг консервациялаш юзасидан мураккаб инженерлик тадбирлари амалга оширилмоқда.

Электростанция майдонини радиоактив булғанишдан тозалаш, атроф-территорияни, биологларни, иншоотларни, ускуналарни дезактивация қилиш кенг қўламада олиб борилаётган. Тупроқ қатламлари кўчириб олини ва уни кўмиб ташлаш, жойларни махсус химиявий моддалар билан дориллаш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилади. Натижада радиация даражаси нормалдиган юқори бўлган районларда бу даража кескин камайди ва ҳозир фақат Чернобилда ва унинг

Сиёсий бюро СССР прокуратураси Чернобил АЭСида авария қилинишида айбдор бўлган шахсларга қарши жиноий иш қўзғатганлиги ва

яқинидаги айрим пунктлардаги йўл қўйиладиган нормалар ҳақи ҳам юқорида.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш учун Припят дарёсининг 20 километр масофадан қирғоғини кўтариш билан бирга сув ҳавзасини пухта ҳимоя қилишни таъминлайдиган иншоотлар системаси барпо этилмоқда.

Сиёсий бюро шунинг таъкидладики, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Чернобил АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш юзасидан шоякин чоралар кўриш тўғрисидаги қарорини совет халқи астойдил тушуниб қўйиб олди. Бу эса меҳнат коллективларининг, ҳар бир совет кишининг олға сурилган вазифаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўишга интилишларида ифодасини топти. Минглаб кўнглиларини тиклаш ишларида бевосита қатнашган истагини билдирди.

Совет кишилари авария оқибатларини тугатишга ёрдам фондига 400 миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказди. Кўплаб коллективларнинг меҳнаткашлари бир смена бепул ишлаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аварияни тугатиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш чоғида олишлар, мухассислар, олимлар, ҳарбий хизматчилар, меҳнатчи ходимлар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари филокорлиги ва меҳнат жасоратини юксак баҳолайди. Алоҳида намуна кўрсатган ўрқонларни СССР орден ва медаллари билан мукофотлашга тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Чернобил атом электр станциясини авария жиддий сабоқ бўлиб, министрликлар ва идоралар, илмий, конструкторлик ва лойиҳа таъкилотлари, ҳужалик, совет, партия органлари ундан олиш-кесил хулоса чиқариб олишлари кераклиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси министрликлар ва идоралардан мавжуд атом электростанцияларидан хавф хатарсиз фойдаланишни таъминлаш, ҳамма даражада технология интизомини мустаҳкамлаш, реактор қурилмалари ва бошқа ускуналар иш регламентига оғишмай риоя этиш учун талабчанликни ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилди. Электростанцияга хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш, махсус тренажерлар билан таъминланган ўқув-машқ марказлари тармоғини кенгайтириш кўзда тутилди. Давлат назорати органларига барча атом электр станцияларининг ишнинг қатъий контрол қилиб туриш вазифаси топширилди.

Ишда юксак даражада ушқоқлик, пухталик ва иш-

нинг сентябрь ойида ўтказиш мўлжалланган махсус сессияси бу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг мамлакатимиз сессия ишида амалий равишда қатнашишга тайёрдир ва турли давлатларнинг олимлари биргаликда янги туркумдаги реакторни яратишларини ақтуал вазифа деб ҳисоблайди. Шу билан бирга энергиянинг битмас-туғамас манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган бошқариладиган термоядро синтезини ўзлаштиришда ҳамкорликни жадаллаштириш зарур.

Ядро энергетикаси объектлари хавфсизлиги проблемасининг бошқа жиҳатлари ҳарбий ҳаракатлар ёки террорчилик ҳуружлари натижасида уларни қасддан вайрон этилишига йўл қўймаслик билан боғлиқдир. Ҳар қандай қўриқилган ядро терроризмининг олдини олишга оид тадбирларнинг мустахкам системасини ишлаб чиқиш керак.

Планетамизда атом урушига моддий тайёргарлигини тўхтатмай туриб, уруш олиб борадиган вазиятларни бутунлай тугатишга йўл қўйиш мумкин эмас. Совет Иттифоқи Ҳарбий ҳарбий саноат комплексининг кескин қаршилигига қарамай, ўзи тақлиф этган шу асрининг охиригача дунёни ядро қуролидан халос қилиш Программасини амалга оширишга азму қарор бергандир. Мазкур Программа 1986 йилнинг 15 январидан ўртага қўйилганидан бери мамлакатимиз қуроли-ароғларини теклаш ва қуролиларни тўғрисидаги барча музокараларда реал аҳдлашувга эришиш имконини берадиган конкрет тақлифларни ўртага қўйди.

Ядровий қуролининг пой-гасини қилуваш, ядро қуролини қисқартириш ва ядро синовларини тўхтатишга йўл қўйишга ҳарбий ҳаракатларга ўттиш халқаро хавфсизлиги таъминлаш ишида бурилиш таъминлаш бўлиб қолиши зарур. Ўшақон жамоатчилиги Америка маъмуриятидан Совет Иттифоқининг ўз ихтиёри билан ядро портлатишларини тўхтатиб қўйишга ижобий жавоб кутмоқда. Қуроли-ароғларини ҳақиқатан ҳам теклаш тинчлигини мустаҳкамлаш ишида ва ишончли ядро хавфсизлигига қўшилган энг яхши ҳисса бўлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия ва совет органлари, корхоналар ва таъкилотларнинг раҳбарлари Чернобил АЭСидаги авария оқибатларини тевроқ бартараф этиш, атом электр станцияларининг пухта ва хавфсиз ишлатилиш таъминлаш учун, халқ ҳужалигини манфаатлари йўлида, меҳнатчиларнинг манфаатлари йўлида совет атом энергетикасини янада ривожлантириш учун зарур тадбирларни қўрилади. Деб қатъий ишонч билдириди.

Ушбу марказ олий ўқув юрти студентларининг таъқиб этиш ва техника ижодкорлигини янада яхшилаш ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Шу сабабли ўқув-илмий, ишлаб чиқариш маркази ўз атрофида бир қатор иқтидорли ёшларни тўплади.

Тадқиқотчи ёшлар автотранспорт ҳужалиқларининг инженерлари билан бирга баъзи проблемаларини ишлаб чиқишда актив иштирок этишди. Шексубҳаси, бу айрим узел ва агрегатларни конструкция қилишда ҳам қўл келди.

20 килогоннадан 150 килогоннагача бўлган навабдаги ер ости ядро портлатиш ўтказди. «Сейбэр» деган шартли ном билан ўтказилган бу ядро қуроли синови АҚШ энергетика министрлиги бўйи растан етишчи синов ва Совет Иттифоқи 1985 йил 6 августда ҳамма ядро портлатишнинг ихтиёрий равишда тўхтатилган кейин ўтказилган ўн тўртинчи синовдир. Вашингтон Совет Иттифоқининг ядро си-

Замондонимиз



Урта мактабни битириб, аттестатини қўптириб олий ўқув даргоҳлари сари чопадиганлар аниқгина. Улар учун фақат ўқиш бўлса бес: қайси соҳа, қайси фан ёки даврга кириб бориш қизиқтиради. Мухим, одамлар улар ҳақида гапирганида «балли, институтга кириб кетди» десалар бўлган.

Ана энди ўзингиз айтинг, бундай мутахассис ким ёки қайси корхона оралиқ кутадими... Машура ҳам ўрта мактабни битирди. Аммо аттестатини қўптириб қабул комиссиялари сари чопмади. Ишга кирди. 1982 йилнинг ёзида Тошкент Зардоб ва вақтинча илмий таъқибот институтига лаборант бўлиб ишга кирди. Бу ерда турли касалликларга қар-

ши вакцина ва зардоблар тайёрлай бошладим. Иш ўзига ёқди, ўзи ҳамкасбларига. Комсомол аъзоси сифатида коллектив жамоат ишларида актив қатнашди. Ана шу фазилатлари тўғрисида, ўз ишини қўнғилдагидек адо этиб келадиганлиги сабаб озгина вақт ичда эътибор қозонди.

Инсон қай соҳада бўлмасин ўз касбига меҳр ва қайноқ муҳаббат билан муносабатда бўлса у албатта аъзо топади. Машура Дадаева ана шундай ўшқин юракли замондошимиз. Биз унга ёшлик шижоатини тилаймиз.

Суратда: комсомол аъзоси, лаборант Машура Дадаева.

Т. Каримов фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг пленуми

19 июлда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг III пленуми бўлди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «КПСС Марказий Комитетининг июль (1986 йил) Пленуми якуллари ва унда қабул қилинган қарорларни бажариш юзасидан област партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Шу масала юзасидан музокараларда «Қизил тонт» тизувчилиги ишлаб чиқариш бirlашмаси тизувчилиги Т. И. Иноятова, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Асепков, Охангарон район ижроия комитетининг раиси М. Қодиралев, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмасининг бош инженери И. П. Великий, Ўзбекистон «Ленинград» колхозининг раиси М. Т. Аҳмедова, Оқтотбей район партия комитетининг биринчи секретари О. Х. Асқаров, Янгитўра ГРЭСининг директори С. Юсупов, область комсомол комитетининг биринчи секретари Г. Х. Усмоновлар сўзга чиқди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон

Компартияси Тошкент область комитети ишларини асосий йўналишларини кўриб чиқди ва таъқидлади.

Пленумда КПСС XXVII съезди талабларини тарғиблаш юзасидан қилинган иш тўғрисида Коммунист район партия комитетини ишлаб чиқариш бirlашмаси партия комитетининг ҳисоботи тингланди. Коммунист район партия комитетининг биринчи секретари В. Н. Бабаев ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси партия комитетининг секретари Б. Ю. Юсупов ҳисоботлар билан қилинди. Бу масалани муҳокама қилишда Пискарев район партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Амелин, Коммунист районидаги «Ўзбекистон» колхозининг колхозчиси Ф. Ж. Ғозиева, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхозини партия комитетининг секретари К. Гинаевлар қатнашди.

Шу масала юзасидан область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов сўзга чиқди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ўзини оғбўрсулантирган У. Я. Баҳодировни область партия комитети аъзолигига кандидатлар составидан чиқарди.

Идеология ва ҳаёт

ОММА ЎРТАСИДА

КПСС Марказий Комитети Мурожаатномаси барча коммунистларни мусобақанинг олдинги сафларига бўлишга, шахсий намуна қўрсатишга, одамларни беш йиллик вазифаларини бажаришга руҳлантиришга даъват этди. Мен бунга корхонанинг барча коммунистлари қатори лбабб деб жавоб беришга интилдим. Зотан, шундай қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз ва вазифамиздир.

Негакки, ўн иккинчи беш йилликнинг тўғрисида қандай ишлар бошланиб кетди. Бундай кезларда ҳар бир меҳнатчи қайси участкада бўлишдан қатъий назар беш йиллик меҳнат жабҳасининг актив жағсис бўлиши, ўз иш жойида умумий ишга илоҳини қўиш қўиш шакли ҳисса қўиш керак. Мен ўзим 4-цехнинг ўртоқ Р. Исмомов бошчилиги қилмаган бригадасида токар бўлиб ишлайман. Беш йиллик

топиригини уч йилда адо этишга аҳд қилганман. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллиги шарафига йиллик топиригини муаддидан у ой илгари адо этиш мажбуриятини олдим. Ҳозир 1986 йилнинг октябрга ойи ҳисобида меҳнат қилмаган.

Мурожаатнома эълон қилинган дастлабки кунлардаёқ корхона партия комитети уми меҳнатчилар оmmasига етказишга, ҳар бир сатри моҳиятини чуқур сингдиришга интилдим. Шу массада барча цех ва бўлимларнинг партия ташкилотлари секретарлари, цех қасба соҳа ва комсомол ташкилотларининг етакчилари кавми 150 дан энди идеология таъминоти йиллиги. Партия комитети секретари Ш. Саидов унда Мурожаатнома юзасидан ҳар бир цех ва участкада қандай иш олиб бориш зарурлигига эътибори қаратди.

Шу кунларда ҳар бир цех,

Э. ЕҒУБҲУЖАЕВ.

«Миконд» заводининг коммунист меҳнат зарбдори, КПСС XXVII съезди делегати.

Янги ўқув йили тарадуду

Шароитлар яратилмоқда

Собир Раҳимов районидидаги 4 та мактабда капитал, 25 та мактабда жорий ремонт ишлари олиб борилоқда. Бунда ўқувчилар бригадалари яқиндан ёрдам беришпти. 87 бригадага бirlашган мингдан ортиқ ўқувчининг фео меҳнати тўғрисида давлатнинг 102 минг сўмдан ортиқ маблағи тежб қилинди.

Районда 1 сентябрдан бошлаб икки ҳунар меҳмони иш бошладилар. Уларда 5 минг бола 18 хил касб-ҳунарни ўрганади.

Мактаб ва устоналарни жиҳозлашда «Миконд», «Геологорезведка», «Узгавтар» заводлари, ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси ортиқ ердами курси.

159-трестнинг 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари 1176 ўринли мактаб биносини ўқув йили арафасида фойдаланишга топширадилар.

Билимлар кунини — 1 сентябрда районда 39 минг 500 ўқилқиз ўқув йилини бошлайди.

Аҳоли дастурхонига

Калинин районидидаги хўжалиқларда етиштирилган сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган яна иккинчи магазин ҳаммаҳарларимиз хизматига топширилди. «Дала-мағзини» устидида ташкил этилган бу савдо шохбачисида Оржоникиде ва «Пар-

тия XX съездин колхозни далада етиштирилган ҳосил билан савдо қилинмоқда. Фрунзе районидида бозорчеда очилган магазин даладан янги узиб келинган помидор, пивз, картошка, бақла, жонлар бор. Муқимий кучаси билан Герцен

Тошкент—Чернобилга

904-СЧЁТГА

Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг меҳнат аҳли шанбалик уюштириб, меҳнат ҳақини Чернобил фондига ўтказди.

Корхонанинг қурилиш бошқармаси, босмахонаси, спорт клублари ва маданият саройи коллективлари ҳам ҳиммат кўрсатдилар.

Янгирув фабрикасининг қайта янгирув цехи фабрикаларо мусобақада биринчи ўрин ва 400 сўм пул мукофоти билан тақдирланган эди. Янгирувчилар шу мукофотни 904-счётга ўтказдилар ва ана бир кун ишлаб бердилар.

Б. ОРПОВ. Октябрь революцияси номидидаги Тошкент тевроқ ремонт заводидаги меҳнаткашлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги совриндор ўрин учун берилган мукофот—қарийб ўн бир минг сўм пулни Чернобилга ёрдам фондига ўтказдилар.

Корхонада митинг бўлиб ўтди. Митингга сўзга чиққан электр аппарат цехи слесарларининг бригадари, бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Бесчелова ва электр машина цехининг мастери А. Шабанова барча ремонтчиларга мурожаат этиб, АЭСдаги авария оқибатларини тевроқ йўқотишга амалий ҳисса қўишга чакирдилар.

Корхонанинг барча ишчилари ва хизматчиларини ишлаб чиқариш илгорларининг даъватини қизғин қўллаб-қувватлашди. Митингга умумзавод шанбаллиги уюштириб, ундан тушадиган

нашдилар.

Республиканинг Олий қонуни қабулчи органи депутатлари 1985 йил Давлат бюджетининг икроси ва тўлов баланси тўғрисидаги, 1983—1985 йилларда халқ ҳужалиги планининг амалга оширилгани ҳақидаги ҳисоботини тингладилар ва маъқулладилар. Сеймининг иши янги регламенти тўғрисида

қарор қабул қилдилар. ПХР Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети составига ўзгартишлар киритдилар. Махлис пировардида Польша парламенти иккинчи баҳорги сессиясини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

В. АШИНТОП. Қўшма Штатлар Невада штатидаги полигонда қувати

Тошкентликлар ҳиммати

СССР давлат банкнинг шаҳар контораси, дан РЕДАКЦИЯМИЗГА МАЪЛУМ ҚИЛИШЛАРИГА ҚАРАГАНДА, ТОШКЕНТЛИКЛАРДАН 904-СЧЁТГА 2 МИЛЛИОН 687 МИНГ СЎМ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.—ЧЕРНОБИЛЬ АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИДАГИ АВАРИЯ ОҚИБАТЛАРИНИ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ТУГАТИШ ФОНДИГА ҲАМШАҲАРЛИРИМИЗ ҚУШГАН ҲИССА АНА ШУНДАЙ.

ТАСС ТЕЛЕТАП ЛЕНТАСИДАН

ВАРШАВА

Бу ерда Польша Халқ Республикаси Сеймининг навабдаги мажлиси тугади. Унинг ишида ПИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Польша Давлат Кенгашининг Ракси Вайцех Ярузельский, Министрлар Советининг Ракси Збигнев Месснер, мамлакатнинг бошқа раҳбарлари қат-

Умр зарварақлари

Яхши фазилатли кишиларимиз

Акс садо

«СУВ ҚАЁҚҚА ОҚЯПТИ?»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1986 йил 14 май

ШУ ҲАМ БАҲОНА БЎЛДИЮ...

Газетада эълон қилинган материал, биринчи навбатда долзарблиги билан бизнинг эътиборимизни ўзига тортди. Дарҳақиқат, баъзи жойлардаги сувга нисбатан эътиборсизлик, исрофгарчилик натижасида бошқалар сув танқислигини сезишмоқда. Бир жойда шариллаб бекорга оқибатган сув бошқа жойда сув етишмовчилигини «таъминламайди».

Биз истиқомат қилуватган Собир Раҳимов кўчасидаги Қизил майдон проезде, 3-тулик аҳолиси кўпдан буюн ана шундай танқисликдан ранжиб келишмоқда. Бу ерда кўп болали оналар, уруш ветеранлари, пенсионерлар истиқомат қилади. Сув танқислиги, айниқса ана шу истиқоматчиларга кўпроқ билинмоқда. Биз аҳоли номидан бир неча марта тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик, югурмаган жойимиз қолмади. Бироқ, бирор бир ижобий ўзгаришдан ханузгача дарак йўқ. Бевоҳита шу иш билан шугулланувчи ташкилот — «Водоканал» трестига ҳам хабарлар, аризалар билан мурожаат қилганимиз эзо кетди. У ерда «труба йўқ» деган баҳонани рўқча қилиди. Шу ҳам баҳона бўлди... Қачонгача бизнинг маҳаллодошларимиз оқшомларини челек, бедон кўтариб бошқа маҳаллалардан сув ташидилар? Қолаверса, трест раҳбарлари қачонгача ўз масъулиятларига бефарқ қараб ўтираверишадилар?

А. КАРИМОВ.
Жами саккиз назо.

ВАЪДАБОЗЛИК БЎЛГАЧ...

Ҳақиқатан ҳам, иш ваъда, ундан кейин яна сон-саноксиз ваъдаларга келиб тақалганда ундан узаверинг. Ҳеч бир ишингиз битмайди, Асабийлашасиз, куюнасиз, зир югурасиз — барбир ҳеч бир ишингиз битмайди. Менимча, «Сув қаёққа оқибди» мақоласида ЖЭУлардаги, сув танқислигини назорат қилувчи ташкилотлардаги ваъдабозлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш керак эди. Мисол, десангиз мисол тайёр. Мана эътибор беринг.

Қорақамish массивининг 2/3 микрорайонида жойлашган 1, 2-уйларнинг истиқоматчилари 5—6 йилдан бери на иссиқ сува, на совуқ сувага элчилди. Баъзан 15 кунлаб сув бўлмади. Майли, бунини тушуниш мумкин: бирор жойда авария қолати ажузга келгандир... Бироқ, бунча «халатлар» мунтазам содир бўлиб турса кишининг вағиша тегаркан. Юқоридagi уйлар 39-ЖЭУга қарайди. Бу ЖЭУдаги нописанд сантехник-слесарлардан эзо тайинли иш ҳам, сўз ҳам олиш қийин. Жуда бўлмаса, «Э», билганининг қил» дегандай қўл силтаб қўя қолишди. Қиш пайтида-ку уларнинг хизматига кўз тикиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Батерейлар ёрилдики, кватирчаларни сув босадими — ишлари йўқ.

Шу йилнинг 11 июнидан 30 июнигача массивимизнинг баъзи микрорайонларида иссиқ сув бўлмаслиги ҳақида эълон берилди. Бироқ, шунгача ҳам бизда иссиқ сув йўқ эди. ЖЭУ хизматчиларининг эзо «хиргойиси ўша-ўша: «Албатта бўлади». Қачон бўлади, қим биледи, буниси бизга номалум. Ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ, ҳеч ким айтиб беролмайди ҳам.

Кватирдаги бирор-бир камчилигини тузатишда эзо ЖЭУ хизматчиларини олиб келиш учун махсус машина ёлловга тўғри келеди. Бўлмаса, келишмайди.

Ана шундай беपर्волик, ваъдабозликлардан сўнг сув танқислиги, айрим жойларда эзо унинг исрофгарчилиги йўл қўйилмоқда. Менимча, водопроводларни, жўмрақларни тартибга келтиришдан аввал ЖЭУдаги масъулиятсиз хизматчиларнинг ишини тартибга солиш, яхши йўлга қўйиш лозим. Шундангина сув ҳам исроф бўлмайди, унга нисбатан танқислик ҳам сезилмайди.

А. ҚОРАБОВ,
ишчи.

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

«Оқшом» ўз саҳифасида сувни тежаш ҳақида материал ёритиш жуда яхши қилган. Ундаги таълар, кўтарилган муаммолар ҳаммамизга тегишли. Тоза сувни тежашда ҳар биримиз куюнчақ бўлишимиз керак, акс ҳолда...

Яхшики бир мисол келтирилган. Мен Акмал Икромов районидаги 25-ЖЭУга қарашли 8-уйнинг 74-кватирасида истиқомат қиламан. Мени ҳайрон қолдирётган нарсас мазкур ЖЭУ хизматчиларининг лоқайдлиги. Чунки, мен икки ойдан бери шу ЖЭУга қатнашман. Сабаби, кватирда жўмрақлар бўлашиб тоза сув бекорга оқиб ётибди. Ўзим беркитолмаганим сабабли ЖЭУга мурожаат қилдим. Бироқ, мана, орадан икки ой вақт ўтибдики, слесарлардан ҳамон дарак йўқ. Сув эзо бекорга оқиб ётибди. Слесарлар тугул ЖЭУ назоратчилари бирров хабар олишмайди. Бу масъулиятсизлик, лоқайдликнинг оқибати эзо тоза сув исроф бўлиб ётибди. Менимча, ўз вазифасига ланжа орасидан қаровчи сантехниклар, слесарларнинг лоқайдлиги ҳам кўп жойларда сувнинг бекор оқиб ётишига сабаб бўлмоқда.

Х. ИСРОИЛОВА,
хизматчи.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДАГИ

«ФОНТАН»ЛАР

Шахримизнинг Собир Раҳимов райони территориясига жойлашган металл буюмлар ишлаб чиқариш заводини бундан икки йил аввал кенгайтириш мақсадида «Октябрь» 40 йиллиги мақсалидан 20 дан ортқ қонандон бошқа ерга кўчириб, жой текисланди. Аммо бир қилгача қонандонларнинг ҳовлисида қилиб кетган водопровод қанчалардан фавора бўлиб ётган сув тўхтаиб қўйилмади. Бу ҳақда айтилганимизда: «Қурувчилар иш бошласалар ҳаммаси тартибга тушеди», дейишди. Ниҳоят, қурувчилар ҳам иш бошлашди. Қотлован қазилган жойдаги водопровод трубалари олиб ташланди, оқиб ётган сувлар тўхтади. Аммо шу атрофдаги қанчалардан ҳамон ичимлик сув беҳудага оқиб, исроф бўлапти.

Мақолада айтилгандек, аз кунлари кўпича водопровод сувидан экинларни сугориш ёки ҳовли-жойларга сув сепишда фойдаланилмоқда. Шунинг оқибатида юқори қаватдаги кватирларга водопровод суви бормайди. Ҳовлилардаги ва уйлар атрофидаги гулзор-экинларни сугоришда, сув сепишда оқар сувлардан фойдаланиш керак. Собир Раҳимов райони-нинг кўпгина территориясида — Кайковус, Қичкирик, Жара, рик кеби аҳолиларда тўлиб сув оқади. Ана шу аҳолилардан маҳаллаларга ва уйлар орасидан ўтган ериқларга сув оқизиш мумкин. Бу ҳам водопровод сувини тежайди, ҳам шаҳар ҳавосини муътадиллаштириши.

Х. ЯУЛДОШЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ муорифи алочили, ветеран-педагог.

АРИҚЛАР ОЗОДА БЎЛСИН...

Сув — ҳаёт манбаи, унинг ҳар қатрасини эъзозлашимиз керак. Ўтган йили маҳалламиз территориясидаги водопроводлардан 6 тасининг жўмраги бузилди, сув бекорга оқиб ётган эди, теъда тузаттирдик. Шунингдек, 3 та каналла-циянинг қопқоғи йўқлиги хавфли эди, бунинг ҳам бартараф эдик. Шу ўринда мен бир нарсани айтмоқчиман. Турар жойларда, ЖЭУлар қошида водопровод жўмрақлари ёки сув тармоқлари бузилса, уни тузатишда слесарлар бор. Маҳалла-ларда эзо бундай имконият йўқ. Шахримизда маҳаллаларга махсус слесарлар бекитиб қўйилса, яхши бўлар эди.

Яна бир нарсасга афсусланамиз. Илгарилари маҳалла-лардаги ариқлардан сувлар шарқираиб оқиб ётарди. Ҳозир ана шу ариқлардан (қўмилмай қолган ариқлардан) қора мойдек сув ва мезгаво оқади. Бундай сув билан экин-гулзорлар сугориш, ҳамма ўсимликни қуритади. Ариқларимизнинг тоза-озода бўлишига эътибор берсак ало нуф бўлур эди.

М. ФОЗИЛХУЖАЕВА,
Октябрь район, Маннон Уйғур номидagi маҳалла комитети-нинг раиси.

БОҒ-ГУЛЗОРЛАР ТАШНА

Ҳар йил баҳорда шахримиз боғ-хивонларига, кўчаларга, аҳоир соҳилларига, турар жой бинолари атрофида минглаб туپ дарахтлар экилади, бироқ қоровсизликдан қуриб, чўп-қуриқ бўлиб қолади. Албатта қатта майдонларда ўтқазилган ҳамма дарахтларнинг водопровод сув билан сугориб бўл-мади. Шундай экан, шахримиздан оқиб ўтадиган ўнлаб ариқлар, канал-ариқлар ва кўлларнинг сувларидан имкония-ти борича фойдалансак айни мудабо бўлур эди.

Мана ҳозир саратоннинг эр иссиқ кунлари. Шахримиздаги мевали ва марказли до-дарахтларни мейвёда сугориб, уларни қуриб қолишдан сақлашимиз керак.

С. ШЕРАЛИЕВ,
меҳнат ветерани, пенсионер.



Сиз суратда кўриб турган бу кишилар бир оиланинг уч аълои вакиллари. Улуғ Ватан уруши ветерани, иккинчи гуруҳа инавали Рауф Раҳматуллаев музаффар қўшинларимиз сафида баёв жанг-мадада фашистларга қирон келтирди. Она-Ватан олдидаги бурчинин шараф билан адо этди. Сўнг-ра тинч меҳнат кучида ҳалол тер тўқди, оила қурди, фарзанд қурди. Мана бугун фарзандининг фарзанди-унинг иш-ини давомчиси ўлғаймоқда.

«Сайёрамизда домю шундай фаровон турмуш бунёдкор — тинчлик барқарор бўлсин!»—дейди уруш ветерани Р. Раҳматуллаев.

В. Бентуганов фотоси.

Институтда кўргазма

Ўзбек совет тасвирий санъатини тадқиқ этишда санъатшу-нослик доктори Р. Х. Тоқтош-нинг хизмати катта. Ўзбекистон ССР маданият министрлиги Ҳамза номидagi санъатшуно-слик институтида қийнда очил-ган кўргазма экспонатлари ор-қали мўйқалам устасининг ижоди билан яқиндан танишиш мумкин. Экспозициядан ўрин олган пейзаж, портрет, карти-налар орасида расмонинг ҳа-за образини акс эттирувчи асарлари диққатга сазовор.

Халқ талантларининг кичик академияси

Эндилдида бутун республикамизга яхши таниш бу ижодий коллектив ташкил топган. 35 йил бўлди. Тошкентдаги тўқимачи-лар маданият саройида фаолият кўрсата-ётган тасвирий санъат студияси халқ та-лانتларининг ўзига хос кичик академияси-га айланиб қолди.

Ўтган йиллар мобайнида у ўсиб-ўлғайди. Дастлаб расм чизиб тўғараги сифатида иш бошлаганида машгулотларга бор-йўги 10 ҳаваскор қатнашар эди. Кейинчалик унинг фаолият доираси кенгайиб, алоҳида мустақил студияга айлантирилди. Бу ерда ҳаваскор ҳайкалтарошлар билан ҳам маш-гулотлар олиб борила бошланди.

Студияда чинакам ижодий муҳит юзага келган. 1953 йилдаги талантлар 35 индон намуналари билан ҳаваскорлар ижодий-ти Бутунитифоқ кўргазмасида муваффақият-ли қатнашди. Орадан бир йил ўтгач, сту-

дия аъзолари ҳаваскор расомлар Бутун-итифоқ кўргазмасига ўзларининг 20 энг яхши ишларини тақдим этдилар.

Намунали ишлари ҳамда ҳаваскорлик бадиий ижодиётни ривожлантиришдаги ях-ши хизматлари учун студияга «Халқ ҳа-васкорлик коллективи» деган фахрли ном берилди.

Студия яқинда юбилей кўргазмасини ташкил этди. Студиянинг актив қатнашчи-ларидан П. Ванюлин, И. Балденко, Ю. Барабаш ва бошқаларнинг кейинги вақтда яратган энг яхши ижод намуналари ана шу экспозициядан ўрин олди.

Студия халқ ижодиёти иккинчи Бутунит-тифоқ фестивалига бағишлаб «Ижодий ишларимиз — Улуғ Октябрь революция-сининг 70 йиллигига» кўргазмасини тайер-лашга киришди.

Сайқал топган асарлар

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг кекса таъ-мирловчи расоми Абдулла Йўлдошев устaxonасида совет расомларининг кўплаб ноёб ва бироз пугурдан кетган асарлари қайта тикланади. Расом А. Куприннинг «На-турморт», А. Осмериннинг «Аёл киши сурати», рес-

публикамиз тасвирий санъат усталари А. Зиё-евнинг «Йимликда», Ш. Ха-сановнинг «Автосурат», Б. Жаололовнинг «Қиш манзараси», А. Волковнинг «Мовий кун», П. Мартинювнинг «Шохи Зинда», Р. Раҳимов-нинг «Қолхочи портрети» каби асарлар шулар жумла-

сидандир. Ярим асрдан бери бир насб-да меҳнат қилиб келаётган моҳир тасмирловчи расом Абдулла ана Йўлдошев ҳар йили расомларнинг қирқ-элликка яқин асарини асд ҳолига келтириб, сайқал бер-моқда.

М. АХМЕДОВ.

Серқуёш ўлкамизда саҳоват-ли ёз фасли айни авжи па-лада. Бу пайтда кўплаб бола-лар пионер ва спорт лагер-ларида, санаторийларда, дам олиш уйларида, табиатнинг сўлим оромгоҳларида хор-диқ чикаришмоқда.

— 1 июндан бошлаб, — дейди Акмал Икромов райо-ни уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трестининг катта педагог-ташқилотчиси Золя Александровна Ваценко-ва, — райондаги барча 13 уй-жойлардан фойдаланиш участ-кисида ёзги соғломлаштириш майдончалари очилди.

Уйин майдончаларида пе-дагоглар навбатчилиги таш-кил этилган. Ҳар ҳафтанинг бошида эзо шу майдончалар-да ўтадиган мусобақалар плавн осиб қўйилди. Шахмат ва шашка бўйича мусобақа-лар, қизқариш учрашулар уюштирилмоқда.

Кези келганда шунинг айтиш керакики, болаларнинг ёзги дам олиш мазмуни ўтиши бошқа ташқилотларга ҳам боглиқдир. Чунончи, Обвод-ной кўчасидаги 56-ЖЭУга қарашли соғломлаштириш майдончасидаги спорт иншо-оти ва футбол майдонини ирри-гация тармоқларининг ёмон ишлаши оқибатида қўлга ай-ланган. Уни бартараф этиш ҳақида ЖЭУ ходимлари ирри-гация трестига бир неча ма-ротаба мурожаат қилдилар. Аммо трест ханузгача бирор амалий чора кўрган йўқ.


Суратларда эзо Сиз 24 ва 26-ЖЭУ қошидаги соғломлаш-тириш майдончасида мароқли дам олаётган болаларни кў-риб турибсиз.

Р. ИБРОҲИМОВ.

И. Файзиев фотолари.

Спорт иншоотлари тўла қувват билан ишласин

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ—ДАВЛАТ БОЙЛИГИ



КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори шахсини уйғун камол топтиришни, меҳнаткашларнинг қобилият ва истеъдодла-рини ривожлантириш ҳақида партияимиз қилаётган ғам-хўрликнинг яққол ифодаси бўлди. Бу ҳужжат мамлака-тимизда маданий-маърифий ва физкультура-соғломлаш-тириш ишларини янада ривожлантириш ишида принци-пал динг босқични бошлаб берди. Бу муҳим қарор қа-бул қилинганига бир йил бўлди. Шу давр ичида шахри-миз спорт иншоотлари фаолиятида қандай ўзгаришлар қилинди? Бизнинг Ўзбекистон қасаба союзлари респу-блика Совети Тошкент шаҳар спорт иншоотлари бошқар-маси бошлиғи Н. Ж. Жаололов билан суҳбатимиз шу са-волдан бошланди.

—Дарҳақиқат, партия Мар-казий Комитетининг 1985 йил 12 июнда қабул қилган «Клуб муассасалари ва спорт иншо-отларидан фойдаланишни яхши-лаш тадбирлари тўғри-сидаги қарори партия, совет, қасаба союз ва комсомол таш-килотлари учун маданий-ом-мавий ва физкультура-соғлом-лаштириш ишларини янада ри-вожлантириш учун кенг қара-кат программаси бўлди. Шу-нингдек бу соҳадаги жиғидий кўрсаткичлар бўлди. Шу-нингдек бу соҳадаги жиғидий кўрсаткичлар бўлди. Шу-нингдек бу соҳадаги жиғидий кўрсаткичлар бўлди. Шу-нингдек бу соҳадаги жиғидий кўрсаткичлар бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳа-ётда катта бурилиш ясаган шу қарор асосида дарҳол бош-қармаиш иш фаолиятини қай-та кўриб чиқдик. Натижада, жуда кўп камчиликларимиз ва фойдаланилган ички резерв-ларимиз яққол намоён бўлди. Бунинг биринчи В. С. Митрофа-нов номидagi сув спорти саро-йи мисолида қуришимиз ҳам мумкин. Илгари бу спорт мас-ҳани эрталаб соат 7.00 дан кеч 20.00 гача ишларди. Биз су-спорт саройининг иш кунини-ни икки соатга узайтирдик, яъни эрталаб соат 7.00

дан кеч соат 22.00 гача. Бу эзо кунига қўшимча 450—500 кишига хизмат кўрсатиш имко-нини берди. Яна шунинг қайд этиш лозимки, қарорда таъкид-ланганидек аҳолига ҳақ тўла-надиган асосда хизмат кўрса-тишни кенг жорий этдик. Иш-нинг бундай тарзда ташқил этилиши спорт ишчиларидаги қўлайлик яратиб билан бир-га спорт иншоотларига додий фойда ҳам бера бошлади. На-тижада спорт масканлари за-рур жиҳозлар сотиб олишга, ремонт ишларини амалга оши-риш учун ўзининг моддий фон-дида эзо бўлди. Масалан, рес-публикамизда поштайти ва Ўзе-бекистондаги ағона В. С. Митро-фанов номидagi ёпиқ сув ҳав-заси қассагига аҳолига пулли хизмат кўрсатиш бўйича йил-га 67—70 минг сўм пул туш-моқда. Бу ишни ҳўжалик асо-сида ташқил этиш афзаллиги-нинг бир томонини, холос.

—Сиз ҳозир В. С. Митрофа-нов номидagi сув спорт саро-йини тилга олдингиз. Шу боис-дан шахримиздаги бошқа сув ҳавзалари ҳақида ҳам тўхта-сангиз. —Шу ўринда аввало бошқар-маиш ишчиларида бўлган спорт базаларини тилга олоқчиман. Бу суҳбат мазмунини янада ривожлантириш билан бир-га, оқшомхонларда ҳам бу ҳақда аниқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради деб ўйлайман. Ҳозирги пайтда спортнинг 18

тури бўйича машгулотлар олиб борилаётган сув спорт саро-йи, «Буревестник», «Мар-каз — 5»даги эшак эшиш, Ленин комсомолы номидagi ёзги спорт базалари ва Чилон-зорнинг 11-кватирлидаги енгил атлетика сектори Тошкент ша-ҳар спорт иншоотлари бошқар-масини ташқил этади. Энди сув ҳавзалари хусуси-га келсак, бошқармаишда жа-ми 7 та бассейн мавжуд бўлиб, шундан 4 таси Ленин комсо-молы номидagi кўлда жойлаш-ган. Бироқ, бу 2 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган шаҳар учун қониклар эзо, албатта. Шахримиздаги асосий бес-сейн—сув спорт саройи кўп-ичида турли миқёсдаги мусоба-қалар билан банд бўлади. Бун-дан ташқари сузиш бўйича 4 та болалар-ўсимлар спорт мак-теби, сувага сакраш, синхрон сузиш, сув полоси бўйича тер-ма командалар ўз машгулот-ларини шу ерда ўтказишади. Энди бу спорт иншоотининг қай даражада ишлаётгани ҳа-қида тасаввур ҳосил қилиш қийин бўлмаса керак. Айни пайтда суз спорт саройи ани-да қурилётган 50 метри суви истиқоматини оқиб бассейни бу борадаги ишчимизнинг дебача-сидир. Бу сув ҳавзаси сентябр ойида дастлабки сузувчиларни қабул қила бошлайди.

—Яна қандай иншоотлар қу-рилади иш барпо этилмоқда? —«Буревестник» спорт комп-

нинг ҳўрмат-иззатига сазо-вор бўлмоқда. У ўттиз йилга яқин вақт ичида матбуот соҳасида ишлаб ўнлаб мута-хассис кадрларини етиштир-ди. Ҳозирда Абдурахмон ака Саидов Акмал Икромов райоин халқ контроли коми-тетига штатсиз бўлим муди-ри бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаёт тажрибаси катта, эл-юртнинг истак-талабларини биладиган азиз кишини халқимиз доим эъзозлайди. Бешқайрағоч 1 массивидаги «Оқтепа» маҳалла ақли Аб-дурахмон Саидовни ўзлари-га раис қилиб сайлашган. Мана, бир неча йилдирки 1200 дан ортқ хонадон бўлган «Оқтепа» маҳалласи-да тўй-маросимлар тартибли ўтади, янгича анъаналар мунтазам амалга оширила-ди, ичкикилбоқлик ва меҳ-натсиз даромад топишларга қарши суҳбат-лекциялар

юштирилади. Улуғ Ватан урушида халқ бўлганларга ўриштирилган хотира лавҳалари атрофи гул-гулзорга айлан-тирилиб, яшнатиб қўйилди. Мана шундай маърифий-маданий ишларнинг ҳамма-сига маҳалла комитетининг раиси Абдурахмон ака Саи-дов доим бош-қош бўлиб келапти.

Меҳнатда қурбатган хиз-матлари учун Абдурахмон ака Саидов бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини, медаллар ва мукофотларни олишга сазо-вор бўлган. Камтарини, ҳа-лол ва фидокор, меҳнатин бахт қалити деб билган инсонга сийҳат-саломатлик ва куч-қувват доим ёр бўл-син.

А. ВАЛИХОНОВ,
меҳнат ветерани.

Физкультура ва спорт

СПОРТДАГИ ДЎСТЛИКДАН—ЕР ЮЗИДАГИ ТИНЧЛИККА

Ана шу шнор остида Ватанимиз пойтахти — Москвада ўтган жаҳон спортчиларининг йирик анжумани — Яхши ният ўйинлари халқаро мусобақаси пойғига етди. 17 кун давом этган йилнинг бу нуфузли спорт байрами мухлисларга олам-олам қувонч ва завоқ-шавоқ ҳада этди. Москва, Таллин ва Юрмала шаҳарларининг спорт қосоналарида беш қитъанинг 80 мамлакатни кучли спортчилари ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

ДУНЁДА БИРИНЧИ

Яхши ният билан бошланган хайрли иш жаҳон спорт жамоатчилигининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Биринчи марта ўтказилганга қарамай, юксак даражада ташкил этилган билан спортчилар, мухассислар, меҳмонларни бирдек қалбини забт этди. Ватанимиз Яхши ният ўйинларига қисқа фурсатда — бор-йўғи 11 ойгина тайёргарлик кўрди. Бу вақт йирик спорт кўриги учун ниҳоятда тизим бўлсада, совет кишилари олий даражадаги шартити яратилган муваффақ бўлдилар. Спортчилар қўлга киритган ютуқлар ҳам бундан далолатдир. Бироқ бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Шундай қилиб, ер кўрасидаги 80 мамлакатнинг донгдор спортчилари спортнинг 20 тури бўйича ўн етти кун қизгин кўраш олиб бордилар. Беш

зеталарнинг вакиллари Яхши ният ўйинларининг шохиди бўлишди. АҚШ, Япония, Франция, ГДР, Бразилия ва бошқа мамлакатларнинг телекомпаниялари ўз кўртакларига қизгин беллашува майдонларидан тўғридан-тўғри репортажлар олиб бордилар. Ҳар кун сайёрамиздаги бир ярим миллионда яқин спорт шинавандалари дунёда биринчи марта ўтказилган Яхши ният ўйинлари бахсларини зангори кран орқали кўрдилар. Спортчиларнинг бахсларида 1500, шу жумладан 150 чет эллик малакали арбитрлар ҳакамлик қилишди. Кучли спортчиларнинг қизгин курашини 800 мингдан зиёд томошабинлар кўришди. Биргина Интурист орқали 70 мингдан ортиқ чет эллик меҳмонлар Москвага ташриф буюришди.

Одатда спортчилар кўзланган ҳар бир спортчилнинг кўзланган ўз мақсади бўлади. У бунинг учун жиддий ҳозирлик кўради, муттасил машқ қилади. Тинимсиз меҳнат спортчи ютуғининг доимий йўдошлигидир. Муайян машқ замирида янги чўққи — янги рекорд сари йўл очилади. Шу боисдан спортга чиқаётган спортчи бўйсунмаётган мазорири бу сафар олбунта нағман деган ниятда майдонга ташади. Мусобақалар эса ана шу киҳи туген, қалб даватти, ашқли шикоятининг кўриги — муваф-

фақиятлар сарчасмасидир. Яхши ният ўйинлари ана шундай янги чўққилар — рекордлар бунёдқори бўлди. Мусобақа давомиди барқарор бўлган дўстона муҳит, олий даражада ташкил этилган шартити сўзсиза ютуқлар омилли бўлди, албатта.

Мусобақанинг биринчи кунини янги жаҳон рекорди ўрнатилди. Бунга уч қарра олимпияда чемпиони, 26 ёшли машҳур сузувчи Владимир Сальников муваффақ бўлди. У 800 метр масофани 7 минут 50,64 секундда сузиб ўтиб, мухлисларни хушнуд этди. 50 метрга шу усулда сузган АҚШ спортчиси А. Майерс эса биринчи олтин медал билан тақдирланди.

Бир неча йилдан буён ўзининг аjoyиб натижалари билан спорт оламини ҳайратга солаётган Сергей Бубка яна жасорат ва маҳорат кўрсатди. У лангар чўлда сакраш бўйича 7 метрли мўлжални очиб берди. «Мен ўз ютуғимни Яхши ният ўйинларига бағишлайман», — деди жаҳон рекордчиси мусобақалардан сўнг.

Яна бир аjoyиб спортчи Ж. Жоивер (АҚШ) етти кўраш бўйича 7148 очко тўплаб, янги жаҳон рекордини ўрнатиб, мухлисларни лол қолдирди. Спортчилар Яхши ният ўйинларида 6 жаҳон ва 8 қитъа ҳамда 90 дан ортиқ миллий рекордлар ўрнатилди. Бундай



йирик халқаро мусобақалар ўшлар учун маҳорат мактаби-дир.

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҲИССАСИ

Мамлакатимиз терма командаси сафида Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя этган республикамиз вакиллари ҳам мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилдилар. Улар 6 та олтин, шунча кумуш, 2 та бронза медалини қўлга киритиб, икки бор республика рекордини янгилашди.

Таниқли полонларимиз ака-ука Маҳарбек ва Аслан Хадаров ҳамда Арсен Фадзавалар команда ва шахсий ҳисобда зафар қучиб, олтин медалга сазовор бўлдилар.

Собиқ жаҳон рекордчиси Сергей Заболотнов 100, 200 метрга чалқанча ва 4x100 метрга эстафетали сузушда кумуш медалларни олган бўлса, андиқонлик тажрибали спортчи Светлана Улмасова 3 ва 5 минг метрга югуришда марра чизгини иккинчи бўлиб кесиб ўтиб, кумуш медал билан тақдирланди. Шунингдек, лангар чўлда сакраш бўйича ҳамоҳушимиз Родон Гатаулин, Сергей Бубкадан кейин иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медални қўлга

киритди. Тошкент Медицина институтини студенти Эльмира Барбашина 100 ва 200 метрга югуришда бронза медални соғиндорди бўлди.

ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Мамлакатимизнинг бош спорт майдони — Лузинкида Дўстлик кўлибони барпо этилди. Ер кўрасининг 80 мамлакатдан келган спортчилар Дўстлик кўлибонини бунёд этишга киришар экан, тинчлик учун, мусавфо, омонимиз учун ҳам ўз ҳиссаларини қўшамакларини баён қилишди.

Узро ҳурмат ва ҳамоҳушимиз муҳитида ўтган Яхши ният ўйинлари сайёрамиз ашларининг орзу-умидлари, ер юзида Тинчликни барқарор бўлиши борасидаги интилишлари яқин эканлигини ёрқин намоён этди. Яхши ният энди уларнинг Тинчлик йўлидаги ишларида Тинчлик элчиси бўлишга шубҳа йўқ албатта. Кутланилган зийда ўтган биринчи Яхши ният ўйинлари ақунланди. Аммо у бошланган эзгу ва хайрли анъана — кўраш майдонларидаги Дўстлик умри боқий бўлиб қолади.

Назбатдаги Яхши ният ўйинлари энди тўрт йилдан сўнг — 1990 йили Американинг оне-Тошкентимиз билан биродарлашган Снэт шаҳрида ўтказилади. Иккинчи Яхши ният ўйинлари ҳам шундай дўстона ва ўзаро хайрихолик ҳамда ҳамжиҳатли муҳитида ўтгади деб ишонамиз.

Ишчилар

ЎТОҚХОНАСИДА

Тошкентдаги Глиэр номли маданият уйи ходимлари Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилар ўтоқхонасида меҳмон бўлдилар. Бу ерда рус композитори А. С. Аренский туғилган кунининг 125 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Композиторнинг ижодий йўли тўғрисида ҳикоя қилинди, унинг музика асарларидан намуналар янгради. Музикали лекторийни олиб борувчи Н. Исоқова ўз фонотекасида сакланган бир неча қадимий пластинкаларни олиб келган эди. Залдаги Аренскийнинг И. С. Козловский ижросидаги романсларини ҳам тингладилар.

Маданият уйи ходимларининг ташаббуси билан ўтоқхонада очилган музикали-адабий клуб ишчилар ҳорқид чиқарадиган совмили масканга айланди. Клуб тингловчиларини Глинка, Чайковский, Даргомижский ва чет эл композиторларининг ижоди билан таништирди.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕКУБОВ.

КИНО

22 ИЮЛДА

БАДИИЯ ФИЛЬМЛАР:

«БУ ЕРДА БЕГОНАЛАР БЎЛМАЙДИ» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да). Чайна (тоқ соатларда, телефон 77-08-20).

«ТАЛБАСА» — Санъат саройи (20.40). «РАҚС МАЙДОНЧАСИ» — Санъат саройи (ичкин зал, 18, 18, 19.40). Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59). «ЯНКА СУЗИШ» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«КАШҚИРЛАР УЧУН ҚОПҚОН» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61). Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 46-70-60). «ДОН ЖУАННИНГ АЛДАНИШИ» — Восток (тоқ соатларда).

«ГАРОЙИБ МЎЪЖИЗА» — Лисунов номли (тоқ соатларда). «УЧИНЧИ АВЛОД» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда).

23 ИЮЛДА

БАДИИЯ ФИЛЬМЛАР:

«БУ ЕРДА БЕГОНАЛАР БЎЛМАЙДИ» — Санъат саройи (11, 13, 15.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34). Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да). Чайна (тоқ соатларда, телефон 77-08-20).

«ТАЛБАСА» — Санъат саройи (20.40).

«РАҚС МАЙДОНЧАСИ» — Санъат саройи (ичкин зал, 12, 14, 16, 18, 19.40). Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«КАШҚИРЛАР УЧУН ҚОПҚОН» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61). Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 46-70-60). «ДОН ЖУАННИНГ АЛДАНИШИ» — Восток (тоқ соатларда).

«СНАЙПЕРЛАР» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

«ЯНКА СУЗИШ» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«ЮБИЛЕЙ КУТИБ ТУРАДИ» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда). Ҳамза номли (тоқ соатларда).

Ўзбекистон ССР Ҳунартехника таълими давлат комитетининг

41-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986-87 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ
ИХТИСОСЛИКЛАР
БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автокранчи, «С» категорияли ҳайдовчи (3 классли), скрейпер, грейдер (прицепли) автомашиналар ремонтчи бўйича слесарь, бульдозер, машинисти, сувоқчи бўёқчи, дурадор, слесарь-сантехник.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ НИГИТ-ҚИЗЛАР ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТИНИ ЎТАБ ҚАЙТАН НИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил.

МАШҲУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ. Ўқиш даврида слесарь-сантехник, дурадор (ўқиш муддати 1 йил) ихтисосликларни бўйича ўқувчиларга ҳар ойда 65 сўмдан, бошқа ихтисосликлар бўйича эса 30 сўмдан стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топан меҳнат ҳақининг 50 проценти ўқувчиларга берилди.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар тўлиқ давлат таъминотида эга бўладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқури даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини атло баҳолар билан битирганларга техник олий ўқув юртиларининг қулузғи бўлишига имтиёзли равишда конкурсиз кириб ўқиш ҳақуқи берилди.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкиси, тўр юзидан справка, 4х5 см катталидаги 6 дон фотосурат.

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, Октябрь райони. Ҳушуд қўчаси, 86-уй (11, 48, 97-автотўс, 10-троллейбус, 10, 23, 27-автотўсларнинг «Лабак» бекати). Телефон 41-38-22.

реклама эълонлар реклама

Дикқат, янгилик!

«ЮБИЛЕЙНИ» ПАХТА ТОЛАСИ ИПИДАН СИЗ БИР-БИРИДАН ЧИРОЙЛИ САРАФАНЛАР, ҚўЙЛАК, ВЛУЗКА, УМУМАН ЎЗ ДИДИНГИГА МАНЗУР БУЛАДИГАН БУЮМЛАРНИ ТЎҚИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Буюмлар тўқиш мақсадида Республикада ишлаб чиқариш йўлга қўйилган пахта толаси ипи лишиқлиги, ранг-баранг туси ва бўёғининг айнимасидан билан ажралиб туради. Бундай тўқиш иплари 125 грамм ҳажмида чиқаришмоқда.

ИПНИНГ УЗУНЛИГИ 562 МЕТР. Баҳоси 1 сўм 70 тинини.

«ЎЗБЕКИСТОН» фирмa савдо бирлашмасининг МАГАЗИНЛАРИДАН

«ЮБИЛЕЙНИ» ПАХТА ТОЛАСИ ИПЛАРНИ

СОТИВ ОЛИШ МУМКИН

1-Навоий қўчаси, Телефон 41-23-64;
7-«ПЕРСПЕКТИВА» — Халқлар дўстлиги проспекти
3-а уй. Телефон 45-53-60.



«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«ҲАМИША КЕРАКЛИ БУЮМ»

ДАМ ОЛИШГА ВА ОЛИС САФАРЛАРГА, ТЕАТРГА ВА ХИЗМАТГА БОРГАНДА.

ҲАР ХИЛ СУМКА КЕРАК БЎЛАДИ. ТОШКЕНТ КўН-ТАЛАИТЕРЬ ВА СПОРТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ СУМКАЛАРИНИНГ ЭНГ ИККИНАСИДАН ТОВТИВ ТОКАТТАСИГА БУЛГАН ХИЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

Ешларга «молния» занжирли, қоплама ҳамёни, икки бандли, майин теридан ишланган сумкалар манзур бўлмоқда.

Қатта ёшдаги аёллар қоплама ҳамёни, майин лентадан белбоғ ўтказиб банд тутилган сумкаларни маъқул кўришади.

Рўзгорда ҳужалик сумкаси ҳаммаша керак бўлади. Бундай сумкалар сунъий чармдан, чармдан, «молния» занжирли, икки томонидан қоплама ҳамёни қилиб тайёрланган. Сиз бундай сумкаларни 7-«Перспектива» (Халқлар Дўстлиги проспекти, 3-а уй) магазинидан сотиб оласиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ МАКАЗИЙ ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

СССР гидрометеорология ва табиий муҳитини назорат қилиш давлат комитетининг

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
1986—87 ўқув йили учун
8—10 синфни битирганларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум агрометеорология, қуруқлик гидрологияси, метеорология, гидрометеорология, радиолокация қурилмалари ихтисосликларни бўйича мутахассислар тайёрлаб чиқаради.

8-синфни битирганлар учун қулузғи бўлимда ўқиш муддати — 3 йилу 6 ой. Ўрта маълумотлилар учун — 2 йилу 6 ой. 8-синфни битирганлар учун гидрометеорология радиолокация қурилмалари ихтисоси бўйича ўқиш муддати 3 йилу 10 ой. Ўрта маълумотлилар учун сиртки бўлимда ўқиш муддати — 2 йилу 8 ой.

Бошқа шаҳарлардан келган ўқувчилар ўтоқхона билан таъминланади.

Ойига 30 сўм стипендия берилади. Гидрометеорология радиолокация қурилмалари ихтисоси бўйича ўқиётганларга эса ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Аризалар 8-синфни битирганлардан қулузғи бўлимга — 31 июлгача, ўрта маълумотлилардан — 14 августгача, сиртки бўлимга — 10 августгача қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

маълумот ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), медицина справкиси (086) У форма, 4 донa фотосурат (3х4 см), меҳнат дафтарчаси (ишлаётганлар учун)дан кўчирма.

Кириш имтиҳонлари қулузғи бўлимда — 1 августдан 20 августгача, сиртки бўлимда — 10 августдан 20 августгача ўтади.

8-синф маълумоти билан ўқишга қираётганлар: математика (огзак), рус тили (диктант), ўрта маълумотлилар — математика (огзак), рус тили ва адабиёти (иншо)дан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Ўрта мактабни «4» ва «5» баҳолар билан битирган ўқувчилар агрометеорология ва қуруқлик гидрологияси мутахассисликларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Техникум адреси: 700019, Тошкент шаҳри, 3. Қобуло-ва қўчаси, 45-уй (44, 48, 97, 158, 157-автотўс; 2, 7, 10-троллейбуслар, 23, 10, 27-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефонлар: 48-07-21, 484-37-10.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ ВАЗАСИДАГИ

17-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—1987 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

программа билан бошқариладиган станокларда ишловчи токар, учини аппаратларини йангича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, дипломли газ-электр пайвандчи, ОТК контролери, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича электромонтер, электр кўприкли кран машинисти.

15 ЕШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.

Металл бўйича токар-универсал, механика-йиғув ишлари слесари, электр кўприкли кран машинисти, электр пайвандчи, ОТК контролери (бу касбга кўпроқ қизлар қабул қилинади).

17 ЕШЛИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

МАШИНАДА ҚОЛИШЛОВЧИ. Ўқиш муддати — 10 ой. Ҳар ойда 100 сўмдан стипендия тўланади.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар қунига 3 маҳал иссиқ овқат, дам олиш ва иш кийими, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топан меҳнат ҳақларининг 50 проценти билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртига ўрта маълумот билан кирганлар ҳар ойда 65 сўмдан стипендия оладилар ва уларга ишлаб чиқариш практикаси даврида топан меҳнат ҳақларининг 50 проценти берилади. Билим юртида техника ижодкорлиги, радиоҳаваскорлар тўғраги, фототўғарак, бадий ҳаваскорлик тўғраги, ўзбек халқ чолгу асбоблари ансамбли ҳамда вокал-чолгу ансамбли ишлайди.

Билим юртида 10 спорт секцияси мавжуд. Ўқувчилар ёзи каникулда «Чимён» лагерига ва Ватанимиздаги қаҳрамон-шаҳарларга туристик саёҳатларга чиқадилар.

Билим юртини битирганлар олий ўқув юртилари ва техникумларга кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 донa фотосурат.

МАШҲУЛОТЛАР 1 СЕНТЯВРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Содиқов қўчаси, 15-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Сарт» стадиони бекатлари). Телефон 35-61-30.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ

КОНТОРАСИ ВА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ

БОШҚАРМАСИ

1986 ЙИЛ 28 ИЮЛДАН

КИНОТЕАТРЛАР ВА МАДАНИЯТ

САРОИЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЯНГИ БАДИИЯ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

«СНАЙПЕРЛАР»



Сценарий муаллифлари — В. ШАМШИЕВ, С. АСКАРОВ.

Режиссёр — В. ШАМШИЕВ.

РОЛЛАРДА: А. Темирова, М. Яковлева, В. Глаголева ва бошқалар.

Фильм Совет Иттифоқи Қаҳрамони Алия Молдагулованинг қисқа ва шонли ҳаёти йўли, унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати тўғрисида ҳикоя қилади.

«КАЗАХФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ
МАҲСУЛОТИ.

«КАПИТАНГА ТУРМУШГА ЧИҚМОҚЧИМАН»



Сценарий муаллифи — В. ЧЕРНИХ.

Режиссёр — В. МЕЛЬНИКОВ.